

Мавзу:

**Ёнғинларни
үчиришда моддий-
техник таъминот ва
ёнғин бўлган жойни
кузатиш**

Режа:

- 1. Ёнғинлар үчирилишини ташкил этишда моддий-техник таъминотнинг аҳамияти.**
- 2. Алоҳида корхоналарда ёнғинларни үчиришнинг ўзига хос хусусиятлари.**
- 3. Ёнғин содир бўлганда ва уни үчиришда ишловчиларнинг мажбурияятлари, кузатиш ишларини олиб бориш.**

Ёнғинда таъминот

- Ёнғин үчиришда таъминот - бу ёнғинга жалб этиладиган куч ва воситаларни
- таъминловчи жанговар ҳаракатлардир. Ёнғин таъминоти ёнғин хавфсизлиги хизмати Жанговар Устави (ЁХХЖУ) томонидан белгиланган мажбурият бўлиб, унга таъминот бошлиғи бошчилик килади.
- Таъминот бошлиғи вазифаларига қўйидагилар киради:
- - сув манбалари разведкасини ташкил Қилиш;
- - ёнғин үчириш автомобилларини кутиб олиш, ҳамда жойлаштириш;
- - ёнғин үчириш техникасининг узлуксиз ишлашини, ҳамда ёнғин үчириш
- воситаларини бетўхтов узатишни таъминлаш;
- - магистрал енг линияларини қўриқлаш;
- - ёқилғи-мой маҳсулотлари, ҳамда ёнғин үчириш воситалари билан
- таъминлаш.

- Ёнғинда таъминот бошлиғи сув манбаи маълумотномаси ёки планшетига эга бўлиши, ҳамда бўлинмаларнинг етиб келган вақтини рўйхатдан ўтказиши, шунингдек жанговар вазифалар мазмунини билиши керак.
- Ёнғинда таъминот бошлиғи ўз иши давомида корхоналарга яқин бўлган сув манбаларидан рационал фойдаланишни таъминловчи барча имкониятларни назарда тутувчи ёнғин ўчириш режа ҳамда варакаларидан фойдаланади, уларда енг тармоқларининг асосий йўналишлари кўрсатилган бўлиши, сув тармоғининг кўриниши ва диаметри, сув бериш кобилияти, ҳамда босим остидаги сувни узатиш билан боғлиқ холда,
- насосли-енг тизимиининг самарали ишлашини таъминлаш шартлари белгиланган булиши керак.


- Ёнғин үчириш режасидаги масалалар ЁХХЖУ да баён этилган, асосий холатларни амалиётда чуқур тушуниб, ҳамда құллашни назарда тутади. Шуни назарда тушиш зарурки, автомобилларни жойлаштириш тартиби вакт бүйича хисобланған булиши керак, яғни биринчи автомобиль ва магистрал енглар - энг зарур үйналишда, кейинги автомобиллар енглари ёрдамчи дастакларни беріш учун фойдаланиши керак.
- Ёнғинда тезкор штаб ишләёттән вактда, таъминот бошлиғи штаб таркибіда бўлиб, у штаб бошлиғи ҳамда ёнғин үчириш раҳбарига (ЁЎР) буйсунади.
- Ёнғинда таъминот ишларининг тартиблилиги, унинг жанговар масалаларни аник, ҳамда тушунарли белгиланғанлигига эмас балки, таъминот ишларининг юкори савиядада ташкил килиниши, ЁЎР томонидан куч ва воситаларнинг изчил бошқарилишига хам боғлиқдир.
- Ёнғинда шундай шароитлар юзага келадики, улар ёнғин таъминотини күчайтириш заруратини келтириб чикаради.

- Ёнғинни үчиришда ва шу жойни кузатишда қуидагилар булиши мүмкін:
 - ёнғинда турли хил йұналишлардаги күч ва воситаларни, имкон кадар бир ерга ташлаш зарурияты;
 - олисдаги сув манбаидан, сувни насос ёрдамида ёки ташиш йўли билан таъминлаш зарурияты;
 - бошка турдаги ёнғин үчириш воситаларидан фойдаланиш зарурияти.
- Ёнғин үчириш ва кузатищ рахбари зарур холларда ёнғинда таъминот бошлиғига ёрдам тарикасида бошликлар таркибидан 1-3 кишини, шунингдек транспорт ҳамда алоқа воситаларини ажратиб бериши лозим.
- ЁҰР жанговар хисобдан ажратилған радиостанция ҳамда телефонга эга тезкор штаб, ҳамда алоқачи орқали ёнғин таъминоти ишарини бошқаради. Ёнғин үчириш давомида ёнғинда таъминот бошлиғи ёнғин үчириш автомобилларини сув манбаига жойлаштириш чизмасини тузади, штаб бошлиғи учун ёнғин үчириш тезкор варакаларини тулдириш учун зарур (фойдаланилған енгликлар, ёнғин үчириш воситалари ҳамда х.к. сони каби) маълумотларни тайёрлайди.

Назорат саволлари

1. Ёнғиндан сақлаш хизмати бўлинмалари томонидан ёнғинларнинг ўчирилишини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низом қачон қабул қилинган?
2. Низомда қанақа асосий тушунчалардан фойдаланилади?
3. Ёнғинларни ўчиришда қанақа кучлар ва воситалардан фойдаланилади?
4. Ёнғинни ўчиришга йўлга чиқиш қанақа тартибда амалга оширилади?
5. Ёнғин ҳолатини аниқлаш қанақа тартибда бажарилади?
6. Ёнғинда одамларни қутқариш қанақа тартибда бажарилади?
7. Куч ва воситаларнинг ёйилиши қанақа тартибда бажарилади?
8. Ёнғинни ўчириш қанақа тартибда олиб борилади?
9. Ёнғинда қанақа маҳсус ишлар бажарилади?
10. Ёнғинда куч ва воситаларни бошқариш қанақа тартибда олиб борилади?
11. Тезкорлик штаби қачон ва қанақа тартибда тузилади?
12. Ёнғин вақтида алоқа қандай ташкил қилинади?

Тузилмавий-мантикий чизма “Погона” ёрдамида ёнғинни
үчириш кетма-кетлигини тузинг



Эътиборингиз учун раҳмат!